

HEALTHY ENVIRONMENT - HEALTHY COMMUNITY

Musurmonova Shahlo Ilhomovna

He is a doctoral student at Gulistan State University

Annotation: The article describes in detail the role of the family, parents and teachers in the formation of a healthy environment - a healthy community.

Keywords: Healthy environment, healthy community, education, parents

СОҒЛОМ МУҲИТ – СОҒЛОМ ЖАМОА

Мусурмонова Шахло Илҳомовна

Гулистон давлат университети докторанти

Аннотация: Мақолада боланинг соғлом муҳит - соғлом жамоа бўлиб шаклланишида оила, ота она, ўқитувчиларнинг тутган ўрни батафсил ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Соғлом муҳит, соғлом жамоа, таълим-тарбия, ота-она

Мамлакатимизда демократик принциплар устувор бўлган янги жамият қуриш, бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиётга эга давлат барпо этишга йўналтирилган босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар доирасида халқ таълими тизимидаги энг муҳим вазифалардан бири таълим сифати ва мазмунини янги босқичга кўтаришдан иборат. Бу вазифа самарали амалга оширилса, мамлакатимизни модернизация борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим ҳал қилувчи куч ҳисобланган маънавий жиҳатдан баркамол, ахлоқан пок, мустақил фикрлайдиган, ташаббускор бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбияланади.

Соғлом муҳит бу – таълим-тарбия жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро самимий ҳурмат, таълим-тарбия сифатини ошириш учун биргаликда фаолият кўрсатаётган аҳил жамоа, жамоадаги ҳар бир шахснинг қобилиятларини юзага чиқариш ва ривожлантириш учун яратилган шароит, дўстона, илиқ ва ишчан муҳит.

“Миллатни миллат қиладиган ёшлар. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” – деб таъкидлаган эди. И.А.Каримов [1;163]. Зеро, таълим тизими олдида турган муҳим масалалардан бири жаҳон тарихи ва маданияти илғор ютуқларини тўлиқ эгаллаган янги авлодни тарбиялашдан иборат.

Ҳар бир шахс оилада камолга етади. Унинг келажақда қандай инсон бўлиб етишиши шу оиладаги муҳитга боғлиқ. Шунинг учун мамлакатимизда оилалар мустақамлигини таъминлаш, жамият фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Хўш, оила барқарор бўлиши, фарзандларга тўғри тарбия бериш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

Аввало оила аъзоларининг вақтини тўғри тақсимлаш зарур. Ота-она китобга меҳр қўйса, болалар ҳам китоб ўқишга одатланади. Китоб эса инсонга сабр-тоқатни ўргатади. Мулоқот маданиятини шакллантиради.

Тан олиш керакки, бугун оилаларда самимий мулоқот камайгандек. Ҳар ким ўзи билан овора. Ҳар кимнинг қўлида телефон. Фарзандларимиз бирон савол билан мурожаат қилса, энсамиз қотади. Унга маслаҳат беришдан кўра бирон ошнаимиз билан телефонда гаплашишни, виртуал оламда дайдишни афзал биламиз.

Оила деганимизда кўз олдимизга ота-она, фарзандлар, бобо-бувилар ва бир хонадонда яшовчи бошқа шахслар келади. Оила катта-кичик бўлиши мумкин. Масалан, ота-она, фарзандлари, келинлари ва бир нечта набиралари, ёки ота-она ва битта фарзанд бўлиши мумкин. Оила-ватан ичра кичик ватандир.

Энг аввало, оилада соғлом маънавий муҳит, оила аъзоларида ўзаро ҳурмат-эҳтиром руҳини яратиш, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларимизни сақлаб қолиш, ёшларимиз онгига соғлом турмуш тарзини синдириш асосий вазифамиз бўлиб қолиши лозим.

Оила - ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак наслар учун бетакрор тарбия масканидир.

Юртимизда жисмонан ёш авлоднинг дунёга келиши ва ривожланиши учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тоза атроф муҳитсиз, бошқача қилиб айтганда экологик хавфсиз табиий муҳитсиз бир ёқлама тасаввур этиб бўлмайди. Соғлом турмуш тарзи ҳамда атроф табиий муҳит бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлангандир. Соғлом атроф табиий муҳит, табиий муҳитнинг тоза ва мусаффолиги болаларнинг соғлом ва етук вояга етишининг асосий омилларидан биридир.

Экологик муаммо тараққиёт, хавфсизлик, аҳолининг турмуши ва бевосита одамлар ҳаётининг давомийлигига таъсир кўрсатиб, айниқса аҳолининг энг ёш

қисми бўлган болалар ҳаётига катта хавф солади. Сир эмаски, ифлосланган, захарланган атроф-муҳит биринчи навбатда ҳали ёш, энди ривожланиб шаклланиб бораётган организмга катта таъсир кўрсатади, унинг физиологик ва руҳий ривожланиш ҳолатига ҳам таъсир этмай қолмайди. Айниқса, ҳозирги пайтда оилада экологик омил ва талабларга асосланиб соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари муҳим касб этмоқда. Бизнинг назаримизда, оила – оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, унга риоя қилиш ва тарғиб қилиш, зарарли одатларни олдини олиш, тоза мусаффо табиий муҳитни қарор топтиришнинг кичик ёрқин модели ҳисобланади. Оила аъзоларининг муносабати, хўжалик юритиш услуби, тартиб-қоидалари ва одат-қўнемалари - оиланинг қадриятларини белгилайди.

Авваломбор, болаларимизда экологик маданият сабоқларини шакллантиришда катталарнинг табиатга, атроф-муҳитга бўлган муносабати катта ўрин тутади. Ота-оналарнинг атроф-муҳит тозалигини сақлашга бўлган доимий эътибори, сайъ-ҳаракатларини кўрган ва ҳис қилган болалар, улар орқасидан эргашишга ҳаракат қилишади, улардан намуна ва ўрнак оладилар. Эрта баҳорда ҳовли ва кўчада оила даврасида биргаликда дарахт экиш, уни парвариш қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, ҳовлини обод қилиш ҳар бир бола учун яхши намуна мактабини ўтайди ҳамда атроф-муҳитга бўлган эзгу ва бунёдкорлик муносабатини белгилашда замин яратади.

Кўкаламзорлаштириш жараёнларига жалб этилган болаларнинг ўз навбатида эстетик дунёқараши ва тафаккури кенгайиб боради, табиатдан, унинг бой хилма-хил рангларида маънавий эстетик завқ олиши, табиатга ошнолиги кучаяди. Гулларни хуш кўрмайдиган боланинг ўзи йўқ. Хонадонимизда маданий гулларни кўпайтириш ва парвариш қилиш экологик тарбиянинг яхши унумли воситаси бўлиб, болаларнинг экологик онгини ривожлантиради. Хонадондаги гуллар, яшил ўсимликлар ўз навбатида ҳавони кислород билан таъминлаб болаларимизнинг тоза ҳаво билан нафас олишини таъминлайди. Айниқса қизлар гулларга ошно бўладилар, ўғил болалар эса тирик жониворларни парвариш қилишга мойил бўладилар.

Ота-оналар болаларнинг эрта ёшлигиданоқ бу мойилликларни аниқлаб, бу йўсинда иш олиб боришлари фарзандларининг дунёқарашини кенгайишига олиб келиб, яхши натижа беради. Болаларнинг мактабда олган табиат ҳақидаги билим ва сабоқларини ота-оналар уларга кундалик ҳаётда риоя қилишларини ва амалда татбиқ этишларини тушунтиришлари лозим. Фарзандларимиз муносабатида исрофгарчилик аломатларига асло йўл қўймаслик, уни олдини олиш, тежамкорлик ва тадбиркорлик хислатларини ёшлигиданоқ синдириш зарур. Табиат туганмас хазина эмас, кўплаб табиат бойликлари тикланмайди.

Афсуски, бугунги кунда ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм каби ёт ва бузғунчи ғоялар интернет орқали ёшларимиз онгига рахна солмоқда. Ана шундай иллатларнинг олдини олиш мақсадида бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни атрофлича таҳлил қила оладиган мутахассисларни жалб этган ҳолда ёшлар учун ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Қиз боланинг тарбияси қанча эрта бошланса, шунча яхши. Мактабгача таълим муассасаларида ўтказилаётган “Зумрадойлар давраси” тўғараги жажжи қизалоқларни миллий урф-одат ва қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, иболи, хаёли ва юксак маънавиятли қилиб вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда жорий этилган “Ораста қизлар” тўғараги уларнинг жисмонан соғлом, ҳар томонлама билимли ва юксак маънавиятли бўлиб вояга етиши, халқимизга хос одоб-ахлоқ мезонларини ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этаётир. Тўғарақларда қизларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг шахсий гигиена қоидаларига мунтазам амал қилиб боришини таъминлаш мақсадида шифокорлар, ҳуқуқшунослар, меҳнат фахрийлари иштирокида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Умумтаълим мактабларида соғлом муҳитни шакллантириш энг аввало мактаб раҳбариятининг бошқарув маҳорати ва касбий салоҳиятига боғлиқ. Раҳбарлик юқори даражадаги масъулиятликни, юксак ақл-фаросат, кўп куч-ғайрат, изланиш ва топқирликни, ўз устида тинмай ишлаш талаб қилади. Мактаб раҳбари соғлом ижодий муҳит воситасида жамоа аъзолари орасида шундай муносабатлар тизимини шакллантириши керакки, бу муассаса олдига қўйилган мақсадларга энг юқори даражада эришиш имконини берсин. Бунинг учун раҳбардан қуйидаги малака ва хусусиятларга эга бўлиш талаб этилади:

- ташкилотчилик қобилияти;
- ўз билимини мунтазам ошириб бориши;
- таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишда шахсий намуна кўрсата олиши (ўз мутахассислиги бўйича намунавий очиқ дарслар ташкил этиши, дарс таҳлилларига кириши ,илғор тажрибаларни жорий этишда етакчили ққилиши);
- янги ғоя, янги ташаббус, янги технологияларни жорий этилишини қўллаб-қувватлаши;
- ўқитувчи ва ўқувчи психологиясидан хабардор бўлиши (ёш хусусиятлари ва темпераментларига қараб самарали мулоқотга кира олишиши);

Таълим муассасаларида соғлом муҳитни шакллантириш бевосита ўқитувчиларнинг вазифаларини сифатли бажаришларига боғлиқ. Шундан

келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг эришган натижалари ва ютуқларнинг асоси – мактабларда дарс жараёнининг сифатли ташкил этилиши ҳисобланади. Дарснинг сифати эса мақсадга эришиш учун энг самарали усул ва воситалар орқали синфда соғлом, дўстона муҳитни яратиш, ўқувчиларга билим бериш ҳамда мустақил фаолият кўрсатиш каби ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш орқали таъминланади.

Бу жараён эса ўқитувчилардан қуйидаги талабларга жавоб беришни талаб этади:

- ўз фанининг илмий - амалий назариясини ва замонавий ютуқларини билиш;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини, уларда бошланғич тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш мақсадида самарали усулларни қўллаш олишлари;
- илғор иш тажрибалар, янгиликларни ўқитиш жараёнига тадбиқ қилиш;
- ўқувчида мустақил билим олиш, ижодкорлик ва изланишларни ривожлантириш усулларидадан фойдалана олиш;
- дарс жараёнида ўзаро ҳурмат, ишонч ва ўзаро ёрдамни ташкил эта олиш;
- дарс ва дарсдан ташқари жараённи кўтаринки кайфиятда ташкил эта олиш;
- ўқувчиларни умумий мақсадларга интилишларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларида соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилган “Соғлом муҳит - соғлом жамоа” деб номланган тавсиялар, энг аввало мактабларда амалдаги вазият қандай эканлигини аниқлаш мақсадида ўз-ўзини баҳолаш методикасини жорий этиш ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда кейинги фаолиятларини режалаштиришга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 163 б.
2. <https://huquq.uz> > 2020/04/24
3. Аҳил ва мустаҳкам оила — жамият таянчи - Халқ сўзи <https://old.xs.uz> > item > 6314...